

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI



**ILMIY  
AXBOROTNOMA**

**2022**

- **НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**
- **SCIENTIFIC BULLETIN OF  
NAMANGAN STATE UNIVERSITY**



ISSN:2181-0427

[journal.namdu.uz](http://journal.namdu.uz)





**Bosh muharrir:** Namangan davlat universiteti rektori S.T.Turg'unov

**Mas'ul muharrir:** Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor v.v.b D.B.Dexqonov

**Mas'ul muharrir o'rinbosari:** O'quv ishlari bo'yicha prorektor D.S.Xolmatov

#### **T A H R I R H A Y ' A T I**

**Fizika-matematika fanlari:** akad. S.Zaynobiddinov, akad. A.A'zamov, f-m.f.d., prof. B.Samatov, f-m.f.d., dots. R.Xakimov, f-m.f.n., dots. B.Abdulazizov, f-m.f.n., dots. A.Xolboyev.

**Kimyo fanlari:** akad. A.To'rayev, akad. S.Nigmatov, k.f.d., prof. Sh.Abdullayev, k.f.d., prof. T.Azizov, k.f.n., dots. T.Sattorov, k.f.n., dots. A.Hurmamatov.

**Biologiya fanlari:** akad. K.Tojibayev, akad. R.Sobirov, b.f.d., dots. A.Batashov, b.f.d. N.Abdurahmonov, b.f.d., dots. F.Kushanov, b.f.d. A.Kuchboyev.

**Texnika fanlari:** t.f.d., prof. A.Umarov, t.f.d., prof. S.Yunusov.

**Qishloq xo'jaligi fanlari:** g.f.d., prof. B.Kamalov, q-x.f.n., dots. A.Qazaqov.

**Tarix fanlari:** akad. A.Asqarov, s.f.d., prof. T.Fayzullayev, tar.f.d, prof. A.Rasulov.

**Iqtisodiyot fanlari:** i.f.d., prof. N.Maxmudov, i.f.d., prof.O.Odilov.

**Falsafa fanlari:** f.f.d., prof. M.Ismoilov, f.f.n., Z.Isaqova, f.f.d., G.G'affarova, f.f.n. N.Zaynobiddinova, f.f.n., dots. T.Ismoilov, PhD. A.Abdullayev.

**Filologiya fanlari:** fil.f.d., prof. N.Uluqov, fil.f.d., prof. H.Usmanova, PhD. H.Solixo'jayeva, PhD. U.Qo'ziyev, PhD. H. Sarimsoqov, fil.f.d., N.Dosboyeva, fil.f.n., dots. S.Misirov.

**Geografiya fanlari:** g.f.d., dots. B.Kamalov, g.f.d., prof. A.Nigmatov.

**Pedagogika fanlari:** p.f.d., prof. U.Inoyatov, p.f.d., prof. B.Xodjayev, p.f.d., prof. O'.Asqarova, p.f.n., dots. M.Nishonov, p.f.n., dots. A.Sattarov, p.f.n.,dots. M.Asqarova, p.f.n., dots. Sh.Xo'jamberdiyeva, p.f.n., dots. S.Abdullayev.

**Tibbiyot fanlari:** b.f.d. G'.Abdullayev, tib.f.n., dots. S.Boltaboyev.

**Psixologiya fanlari:** p.f.d., prof Z.Nishanova, p.f.n., dots. M.Maxsudova.

**Texnik muharrir:** N.Yusupov.

**Tahririyat manzili:** Namangan shahri, Boburshox ko'chasi, 161-uy

**Faks:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)

*Ushbu jurnal 2019 yildan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosati qarori bilan fizika-matematika, kimyo, biologiya, falsafa, filologiya va pedagogika fanlari bo'yicha Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.*

*"NamDU ilmiy axborotnomasi – Научный вестник НамГУ" jurnali O'zbekiston Matbuot va axborot agentligining 17.05.2016-yildagi 08-0075 raqamli guvohnomasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi (AOKA) tomonidan 2020-yil 29-avgust kuni 1106-sonli guvohnomaga binoan chop etiladi. "NamDU Ilmiy Axborotnomasi" elektron nashr sifatida xalqaro standart turkum raqami (ISSN-2181-1458)ga ega NamDU Ilmiy-texnikaviy Kengashining 2022-yil 10-oktabrdagi kengaytirilgan 10-sonli yig'ilishida muhokama qilinib, ilmiy to'plam sifatida chop etishga ruxsat etilgan (Bayonnoma № 10). Maqolalarning ilmiy saviyasi va keltirilgan ma'lumotlar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi.*

### Интернет ресурслар

5. <https://daryo.uz/k/2020/12/09/qizilongach-saratori-etibordan-chetda-qoldirish-mumkin-bolmagan-5-ta-alomat/>
6. <http://elib.buxdu.uz/index.php/pages/o-zbek-tilining-izohli-lug-ati/item/6484-2020-01-29-06-54-15>
7. <http://elib.buxdu.uz/index.php/pages/o-zbek-tilining-izohli-lug-ati/item/6484-2020-01-29-06-54-15>
8. <https://sammuslim.uz/articles/qurbonlik-hukmlari>

### АХБОРОТ ДИСКУРСИВ ТАҲЛИЛ ТАМОЙИЛЛАРИ

Зубайдулло Изомович Расулов, Бухоро давлат университети доценти, филология фанлари

НОМЗОДИ

[zubayd@yandex.ru](mailto:zubayd@yandex.ru)

Оламнинг лисоний манзараси аслида инсон бажарадиган ментал амаллар натижаси эканлиги маълум. Аниқ бир тартиботли тизимда умумлашадиган ушбу амаллар инсоннинг объектив воқелик билан муносабатини акс эттиради. Билиш фаолияти, ўз навбатида, воқеликнинг аниқ нусхасини олиш бўлмасдан, балки шахс томонидан билдириладиган фаразлар, фикрлар натижасидир. Оқибатда, шахс ижодкорлиги асосида шакланган образ реал воқеликка мос келиши шарт эмас. Ушбу фаолият, шунингдек, табиатан турли кўринишга эга белгилар воситасида кечади. Бундан маълум бўладигани, шахснинг субъектив воқелигининг қамрови кенг. Зотан, “алоҳида шахс оламни предметли маънолар орқали идрок қилади. Предметли маънолар инсон ҳис этаётган образнинг бўлаги сифатида ушбу образнинг мавжудлигини таъминлайди ва уни инсон онгига етказиб беради”<sup>32</sup>. Хуллас, ҳар бир халқнинг дунёқараши ўзига хос ва унинг асосида предметли маънолар тизими, миллий қадриятлар, стереотиплар ва когнитив тузилмалар туради. Шу боис, хорижий тилни билмаган шахс учун шу тилда битилган китоб ахборот манбаи бўлолмайди. Бир миллатга хос оламнинг лисоний манзарасини бошқа лисоний маданиятга оддий усулда кўчириб бўлмаслиги равшан.

Оламни “ўзлаштираётган” инсон ушбу оламга маълум бир мазмун беришга ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, у идрок этиладиган воқеликка ўз тажрибаси, билими ва тасавури нуқтаи назаридан ёндашади. Шу йўсинда инсоннинг оламга бўлган муносабати воқеланади. Инсон, аслини олганда, бир пайтнинг ўзида идрок этиладиган оламнинг объекти ва субъектига айланади. А.А.Леонтьевнинг образли ибораси билан айтганда, “биз доимо олам менинг ички дунёмда қандай акс топади? деган саволга жавоб излаймиз. Лекин бу саволга жавоб беришда ушбу оламнинг менинг мавжудлигим ва менинг фаолиятим кўламида мавжуд эканлигини англашда қийналамиз”<sup>33</sup>. Ушбу фикр инсон ва ташқи дунё ўртасидаги алоқада ва умуман оламнинг лисоний манзараси шаклланишида лисоний белги воситачи ролини ўташидан дарак беради. Инсон – ташқи олам – лисоний белги семиотик

<sup>32</sup> Леонтьев А.А. Язык и речевая деятельность в общей и педагогической психологии: Избранные психологические труды. –М.: Московский психолого-социальный институт, 2001. –С. 116.

<sup>33</sup> Леонтьев А.А. Язык и речевая деятельность в общей и педагогической психологии: Избранные психологические труды. –М.: Московский психолого-социальный институт, 2001. –С. 127.

учлиги доирасида маъно яралади. Лисоний тафаккур фаолиятининг семиотик асоси ҳақида фикр юритган Е.С.Кубрякованинг қайдича, “биз тил оламида яшаймиз ва бу бизга оламни маъно ва лисоний кўриниш олган воқелик рамзида кўриш ҳамда тушунишга имкон беради. Лекин, айти пайтда биз белгилар оламида ҳам яшаймиз”<sup>34</sup>. Бизнингча, олима келтираётган таърифда инсон нарса-предметлар дунёсида яшаса-да, лекин ушбу дунё ҳақида тасавури кўламида фаолият кўрсатиши таъкидланмоқда. Лисоний белгилар эса концептуал идрок тузилмаларини муқобиллаштириш ва воқелантириш учун хизмат қилади. Бу шароитда маъно дискурсив фаолият натижаси бўлиш билан бир қаторда, унинг воситасига ҳам айланади.

Д.Кристалл томонидан тузилган “A Dictionary of Linguistics and Phonetics” луғатида ёзилганидек, тилшунослар “маънодан тилнинг бошқа хусусиятларини ўрганиш мезони сифатида фойдаланадилар. “маъно” мавзусининг тилга нисбатан муҳокамасида тафаккур, вазият, билим, мақсад каби нолисоний омилларга мурожаат қилишни тақозо этади”<sup>35</sup>. Инглиз олимнинг ушбу фикрини маъно тушунчасига берилаётган таърифлар қиёсида ҳам кўриш мумкин. Масалан, мантиқшунослар “маъно – бирон бир объектнинг кундалик турмуш, эстетик, илмий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий ва бошқа фаолиятларни бажараётган шахслар учун нимани англатишини билдиради”<sup>36</sup>, деган хулосага келишган. Ўтган асрнинг машҳур тилшуносларидан бўлган А.И.Смирницкий таъбирича, “сўзнинг маъноси предмет, ҳодиса ёки муносабатнинг (ёки воқеликнинг алоҳида элементлари тасвиридан тузилган ўхшаш кўринишдаги психик тузилманинг) онгдаги аксидир. Бу акс сўзнинг структурасидан унинг ички томони сифатида ўрин олади ва унга нисбатан сўз талаффузи материал, қобик хизматини бажаради”<sup>37</sup>.

Замонамиз тилшунослари маъно ҳодисасининг юқорида қайд этилган мумтоз таърифларини унчалик маъқулламасдан, ушбу ҳодисани юзага келган тушунча билан боғлиқ ҳолда таърифлашга уринмоқдалар: “маъно – предмет ҳақидаги фикр бўлиб, бу фикр ички форма (аниқроғи - тасаввур) ҳамда шаклланаётган ёки шаклланган тушунча негизда ҳосил бўлади”<sup>38</sup>.

Маъно “бир мавжуд ҳодисанинг сўзда акс этиши ва нутқ товуши ёки нутқ товушлари комплекси билан тарихан боғлиқ келиши”, деб ҳисоблайдиган М.Миртожиевнинг фикрича, “киши онгида акс этган объектив оламдаги нарса, ҳодиса, ҳаракат, ҳолат ва белги ҳақидаги тушунча сўзда ўз ифодасини топади”<sup>39</sup>.

“Маъно нима?” деган саволга жавоб топиш нақадар мушкул эканлигини уқтирган Ш.Сафаровнинг огоҳлантирича, “маъно категориясига берилаётган таъриф умумий характерга эга бўлиши билан бир қаторда, унинг (маънонинг) табиатига мос изоҳни бериши керак”, бунинг учун эса семантик тадқиқ жараёнида прагматик, социолингвистик, психолингвистик каби тил бирликлари мундарижасининг муҳим қисмларини ташкил қиладиган маълумотларни эътиборга олиш талаб қилинади<sup>40</sup>.

<sup>34</sup> Кубрякова Е.С. Размышления о судьбах когнитивной лингвистики на рубеже веков // Вопросы филологии, 2001. -№1. –С.33.

<sup>35</sup> Crystal D.A. A dictionary of Linguistics and Phonetics. –Oxford:Blackwell Publ., 2008. – P.298.

<sup>36</sup> Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. – М.: Наука, 1975. –С. 162.

<sup>37</sup> Смирницкий А.И. Значение слова // Вопросы языкознания. –М., 1955. –С.89.

<sup>38</sup> Алефиренко Н.Ф. Спорные проблемы семантики. –М.:Гнозис, 2005. –С. 7.

<sup>39</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.:Мумтоз сўз, 2010. – Б.27.

<sup>40</sup> Сафаров Ш. Семантика. –Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б.30-31.

Наздимизда, психолог олим А.Н.Леонтьев берган таърифда юқорида санаб ўтилган талаблар инобатга олингандек: “Маъно – бу инсоният томонидан шакллантирилган ва тушунча, ҳатти-ҳаракат шаклида қайд этилган ҳамда онгнинг “мулки”га айланган воқеликнинг умумлашган аксидир”<sup>41</sup>. Рухшунос отасининг фикрини тўлдираётган ўғил психоллингвист А.А.Леонтьевнинг наздида, “алоҳида олинган маъно, унинг лисоний ёки предметли шаклда бўлишидан қатъий назар, мавҳумликдир. Инсон алоҳида предметни эмас, балки предметлар оламини яхлит ҳолда идрок этади, у алоҳида олинган маънодан эмас, балки маънолар тизимидан фойдаланади”<sup>42</sup>. Маънолар тизими оламнинг лиссоний манзараси ёки рамзи шаклланишининг негизда туради. Оламнинг лиссоний рамзи эса инсон онгида маънолар тизими ҳамда маълум когнитив тузилмалар орқали реал воқеликнинг акс топишидир. Шу жиҳатдан маъно ҳодисасини ҳам алоҳида шахслар билими ва тажрибаси инъикос топадиган лиссоний тафаккурнинг таянч нуқтаси сифатида талқин қилиш мумкин.

Маънонинг дискурсда фаоллашуви фикрни юзага келтиради, фикр эса ўз навбатида мазмунга асос яратади. Шусабаб психологлар маънони онг бирлиги деб ҳисоблашса, тилшунослар учун у лиссоний ҳодисадир. Айни пайтда, тилшунослиқда ҳам маъно тушунчасини тор ва кенг мазмунда талқин қилинишини эслатмоқчимиз. Улардан биринчисида туб лиссоний маъно назарда тутилса, иккинчисида лиссоний ва предметли маънолар яхлитлиқда қаралади.

Маънонинг энг муҳим вазифаларидан бири мулоқотдошлар онгида бир хилдаги ахборотни уйғотади. Нутқий тузилмалар маъно воситасида концептуал ҳаракатларни муқобиллаштиради. Зеро, дискурс (айниқса, унинг диалог кўринишида) нутқ яратилиши ва уни тушунишни таъминлайдиган икки томонлама ҳаракатдир. Лекин мулоқот кечишида фақат маъно-мазмунга мурожаат қилинмасдан, балки фикр ҳам шаклланади. Нутқий тузилмаларнинг турли кўринишга эга бўлиши ифодаланаётган фикрнинг ҳар хил бўлиши билан боғлиқ. Мулоқот тизимининг энг кичик бирлиги сифатида нутқий тузилма ажратилиб келинмоқда. Ушбу тузилманинг мундарижаси унинг белги вазифасини бажаришида намоён бўлади, чунки унинг воситасида фикр ифодаланади. Нутқий тузилмаларнинг белги мақомига эга бўлиши, алоҳида шахслар ўзаро муносабатини йўлга қўйиши, суҳбатдошлар руҳий ҳолатини ўзгартира олиши кабилар узатиш учун мўлжалланаётган билимнинг ахборотга айланишига шароит яратади. Ушбу билим айни пайтда ахборот мақомини олиши учун лиссоний шакллар воситасида концептуаллашуви лозим бўлади. Бунда лиссоний воқеланаётган ахборот даставвал ментал тузилма шаклида намоён бўлишини унутмаслик даркор.

Шу аснода, ижтимоий-тафаккур мақомини олаётган ахборот юзага келади ва лиссоний бирликлар ахборотнинг бўлагига айланади ҳамда улардан моддий асос сифатида фойдаланилади. Ш.Сафаровнинг таъкидича, “маъно доимо лиссоний материалда гавдаланади, бундай гавдага эга бўлмаган маъно узук-юлуқ бўлиб қолаверади, яхлит мундарижага эга бўла олмайди. Аммо маъно ва шаклнинг мужассамлашиши, бирдамлиги уларнинг қоришиб кетишидан дарак эмас”<sup>43</sup>

<sup>41</sup> Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. –М.: Наука, 1972. –С. 290.

<sup>42</sup> Леонтьев А.А. Язык и речевая деятельность в общей и педагогической психологии: Избранные психологические труды. –М.: Московский психолого-социальный институт, 2001. –С. 115.

<sup>43</sup> Сафаров Ш. Семантика. –Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б.299.

Диалогик нутқда бир таркибли гаплар кенг қўламда қўлланилади. Бунда гапларда фақат биргина ахборий бўлак лисоний кўриниш олиб, бошқалари эса тагмаънода ифода топади. Шаклан кўриниш олаётган бўлак одатда узатилаётган ахборотнинг ремаси, яъни янги, муҳим қисми сифатида қаралади. О.А.Крылованинг фикрича, рематик бўлаклар пропозицияни акс эттириш хусусиятига эга. Ушбу хусусият уларнинг жавоб репликасида мустақил равишда фикрни инкор этиш қобилиятига эгаллиги ҳамда ажратилган бўлак ўрнини эгаллаб, мустақил равишда субъект модаллик мазмунини олиши билан белгиланади.<sup>44</sup> Қиёсланг:

*"When did you get there?"*

*"I don't know". ["Wednesday morning. Early"]. (D.Salinger. A Perfect Day for Banana Fish).*

Ажратиб кўрсатилаётган иккита эллиптик гап ягона нутқий тузилмани ҳосил қилмоқда. Ушбу тузилмада фақат замонга хос ахборот фаоллашмоқда. Чунки бу муносабат мулоқот жараёнининг мазкур босқичида сўзловчи учун аҳамият касб этмоқда. Бу ерда шаклан кўриниш олмаган ахборот бўлакларига ишора қисман суҳбатдошнинг саволида мавжуд.

Куйидаги тузилмада эса фақат сўз кетаётган предметнинг номи эслатилиб, ахборотнинг қолган қисми мантиқий амаллар асосида тикланади:

*"Must you wear those glasses?"*

*"Well, yes. The glare." (Spark M. The dark glasses).*

Таркибида фақат биргина ахборот бўлаги синтактик кўриниш олган тузилмаларда предмет номи олдинги репликада хусусият, сифат номи сифатида эслатилган предметнинг аниқловчиси мазмунини олиши мумкин:

*"She may be in any of a thousand places. [At a hairdresser's]". (Spark M. The dark glasses).*

Бу ерда эллиптик гап алоҳида нутқий тузилма вазифасини бажармоқда. Зеро, унинг таркибида суҳбатдошга таниш деб ҳисобланаётган янги ном (*the hairdresser's*) пайдо бўлмоқда. Мазкур бирлик олдинги гапдаги *a thousand places* бўлагини аниқлаштириш билан бир қаторда ҳаракатни маконлаштирмоқда.

Эллиптик гап, бундан ташқари, предмет ҳодисани тавсифловчи элементдан иборат бўлиши мумкин:

*Then she continued her story ... [an optician]. His sister was blind. (Spark M. The dark glasses).*

Бу ерда *an optician* тавсифланаётган шахснинг номи контекстдан маълум бўлади – *Mr. Simmonds*.

Шундай қилиб, ижтимоий-когнитивлик мақомига эга бўладиган ахборот онтологик хусусиятни олади ва шу йўсинда лисоний тузилмалар ахборотнинг бўлагига айланади. Шунинг учун ҳам нутқнинг мазмундор бирлиги сифатида нутқий тузилма қаралади ва ушбу бирлик фаолият билан тенглашади. Натижада, концептуал ахборот турли йўналишларда тўпланаётган маълумотларни қайта ишлаш жараёни сифатида талқин қилиниб, ушбу ахборот "оламда кечаётган объектив маълумотлар билан бир қаторда, хаёлдаги олам ва ундаги воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумотни ҳам қамраб олиши" таъкидланади<sup>45</sup>. Мутахассислар томонидан ажратилиб келинаётган ахборот турлари орасида онтологик жиҳатдан энг маъқули "концептуал ахборот" эканлигини эътироф этмасликнинг иложи

<sup>44</sup> Крылова О.А. Коммуникативный синтаксис русского языка. -М.: URSS, 2009. –С. 117.

<sup>45</sup> Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. –М.: Изд-во МГУ, 1996. –С. 37.

йўқ. Зотан, ушбу турдаги ахборотда, бир томондан, ахборотнинг ҳақиқий яратувчиси ва қабул қилувчиси инсон эканлиги намоён бўлса, иккинчи томондан, ахборотнинг табиатан фаолият билан боғлиқлиги қайд этилади.

Аммо ахборотнинг моҳиятини нутқий фаолият билан боғлиқ ҳолда тавсифлаш эҳтиёткорликни талаб этади. А.А. Леонтьевнинг наздида, “нутқий тузилма ёки матннинг вазифаси фақат алоҳида бир сўзловчининг нутқий фаолияти билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки мулоқот жараёнининг ички тузилишини акс эттиради. Бунда мулоқот инсонлар ижтимоий муносабатининг бир кўриниши сифатида тушунилади”<sup>46</sup>. Нутқий фаолиятнинг асосий мақсади ўзаро ҳамкорликка, бир-бирини тушунишга эришишдир. Дискурс, ўз навбатида, сўзловчи ва тингловчи ўзаро муносабатга киришадиган ҳудуддир ва шу ҳудудда ахборот алмашинуви ҳаракати содир бўлади. Шунга биноан, нутқий фаолиятни алоҳида шахсларнинг лисоний белгилар воситасида ўзаро муносабатга киришуви сифатида талқин қилиши ва у орқали суҳбатдошнинг ҳолати, ҳатти-ҳаракатига таъсир ўтказиш мақсадига эришилиши ҳақидаги фикр барчага маъқулдир.

Бундай ҳолатда дискурс нутқий ҳаракатларнинг оддий кетма-кетлигидан ташкил топадиган ҳодиса сифатида талқин қилишнинг имкони йўқ. Яхшиси, дискурсга мулоқот воситаси мақомининг берилиши маъқулроқ кўринади. Дискурс ёки матннинг мазмунини тушунишнинг психоллингвистик асосини аниқлашга ҳаракат қилган А.А.Залевскаянинг “муаллиф томонидан матн негизига қўйилган мазмун қўлланилган сўзлар ёрдамида ифодаланса-да, лекин ушбу мазмун шахсий тажриба асосида идрок этилиши”ни қатъий таъкидлайди<sup>47</sup>. Демак, дискурс нутқий ҳатти-ҳаракатларнинг маълум бир моделидир.

Равшанки, дискурс тушунчасига мурожаат қилмасдан туриб, тилшунослиқда азалдан долзарб бўлиб келаётган муаммоларни муҳокама қилиш қийинлашиб бормоқда. Шундай муаммолардан бири, албатта, ахборот категориясига таллуқлидир. Ушбу категориянинг тавсифида қатор ноаниқликлар мавжудлигининг сабаби унинг табиатини турғун ҳолатда тасаввур қилиниши билан боғлиқ. Ахборот, аслида, жараёндир ва бу жараён субъект иштирокисиз кечмайди. Инсон учун ахборот билим кўринишига эга ва шу инсон билимни тўплаш, сақлаш, узатиш ҳаракатларини бажаришга қодир. Ахборот тизими инсон онгида шаклланади ва ахборотдан фойдаланишга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракат шу тизим асосида бажарилади. Бундан ахборот билиш ва мулоқот жараёнларини ташкиллаштирувчи восита эканлиги маълум бўлади. Шу боис, ахборотнинг моҳиятини аниқлаш учун ушбу категориянинг ментал ҳодисалар, маъно, лисоний белги каби категориялар билан муносабатини фаолият назарияси ва бошқа антропоцентриқ ёндашувлар нуқтаи назаридан таҳлил қилишни тақозо этади. Зотан, тил бирликларининг мулоқот муҳитида қўлланиши нутқий тузилмалар ички тузилишини ташкиллаштириш шартлари билан боғлиқ бўлиш билан бир қаторда, дискурсда ифодаланаётган ахборот структураси талабларига ҳам мос келиши шарт. Айнан шу структура нутқий вариантлашувни умумий мазмунга мослаштирган ҳолда бошқариб боради<sup>48</sup>. Демак, нутқий фаоллашув қонуниятларини, шу жумладан, лисоний тежамкорлик тамойилини ҳам ахборот – маъно – дискурс учлиги

<sup>46</sup> Леонтьев А.А. Язык и речевая деятельность в общей и педагогической психологии: Избранные психологические труды. –М.: Московский психолого-социальный институт, 2001. –С. 221.

<sup>47</sup> Залевская А.А. Некоторые проблемы теории понимания текста // Вопросы языкознания, 2002. -№3. –С.71.

<sup>48</sup> Van Deemter K., Odjik J. Context modeling and the generazation of spoken discourse // Speech Communication, 1997. Vol.21. –P. 114.



кўламида кечадиган жараёнлар қамровида тавсифлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда синтактик тузилма онгли ҳаракатларни акс эттирувчи тил бирлиги сифатида мулоқотдошлар ўзаро муносабати учун мўлжал вазифасини бажариши эътибордан қочирмаслик лозим.

### **ФРАНЦУЗ ТИЛИ ТАРИХИЙ ФОНЕТИКАСИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН**

Мамасолиева Гулчехра Абдухалиловна

Андижон давлат чет тиллар институти

Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail:mgulichexra@mail.ru

*Аннотация:* Ушбу мақолада француз тилининг тарихий фонетикаси эволюцияси ҳақида қисқача маълумот берилган. Яъни француз тилининг тил сифатида шаклланишининг тарихий жараёнлари ҳақидаги қарашлар ёритилиб берилган.

*Таянч сўзлар:* тарихий фонетика, қадимги француз или, она тили, классик лотин тили, лотин тили, юнон тили, келт тили, лаҳжалар, қардош тиллар

### **ИЗ ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИЧЕСКОЙ ФОНЕТИКИ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА**

Мамасолиева Гулчехра Абдухалиловна

Андижанский государственный институт иностранных языков,

Старший преподаватель кафедры теории и практики французского языка

E-mail:mgulichexra@mail.ru

*Аннотация:* В данной статье дается краткий обзор эволюции исторической фонетики французского языка и некоторые точки зрения на исторические процессы формирования французского языка.

*Ключевые слова:* историческая фонетика, старофранцузский язык, родной язык, классическая латынь, латынь, греческий, кельтский, диалекты, родственные языки

### **FROM THE HISTORY OF THE STUDY OF HISTORICAL PHONETICS OF THE FRENCH LANGUAGE**

Mamasolieva Gulchekhira Abdukhalilovna

Andijan State Institute of Foreign Languages,

Senior Lecturer of the Department of Theory and Practice of the French Language

**Abstract :** This article provides a brief overview of the evolution of the historical phonetics of the French language and some points of view on the historical processes of the formation of the French language

**Keywords:** historical phonetics, Old French, native language, classical Latin, Latin, Greek, Celtic, dialects, related languages





	Абдупаттоев М.Т,.....	
57	<b>“Қилтомоқ” атамасининг ўзбек тилида кўчма маънода қўлланиши</b> Абдурахманова М.У,.....	355
58	<b>Ахборот дискурсив таҳлил тамойиллари</b> З.И Расулов,.....	360
59	<b>Француз тили тарихий фонетикасини ўрганиш тарихидан</b> Мамасолиева Г.А,.....	365
60	<b>Лексик тизимда “Ўгай она/stepmother” концептининг</b> <b>лисоний воқеланиши</b> Жалолова Ф.Н,.....	370
61	<b>Нутқда антонимларнинг стилистик вазифасини тизимлаштирилиш тарзи</b> Мирзакаримова З.В,.....	377
62	<b>“Шажарайи турк” да ҳикоятлар тадқиқи</b> Абдуллаева М.Д,.....	382
63	<b>Рус матнларида “Бурч” тушунчаси</b> Аманбаева Д.А,.....	387
64	<b>Кўшма гапларда парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг</b> <b>мўътадиллашуви</b> Д.А Нурманова,.....	393
65	<b>Муҳаммад Юсуф шеърлятида прецедент бирликлар</b> Тожиматов Р,.....	398
66	<b>Сиёсий имижелогиянинг назарий ва амалий кўринишлари хусусида</b> Ёкубова Д.М,.....	403
67	<b>Тарихий haқиқat va badiiyat</b> <b>(Shuhratning “Mashrab” Romani misolida)</b> Soatova N.I .....	408
68	<b>Образ востока в рассказе динь рублиной «Душегубица»</b> Юлдашева О.Б .....	414
69	<b>Германистика соҳасидаги фразеологик тадқиқотлар тарихига қисқача</b> <b>тавсиф</b> Имяминова Ш.С. ....	418



13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PEDAGOGICAL SCIENCES**

70	<b>Ўрта асрларда математиканинг ривожланишида марказий осиё математикларининг роли</b> АЛИМОВ Б.Н .....	423
71	<b>Aspects of the use of modern pedagogical technologies in physical education and sports</b> Kuchkarov U.L . . . . .	428
72	<b>Texnika jarayoni animasiyasi, muammolari va nufuzi</b> Aynakulov M.A .....	431
73	<b>Evaporation and condensation, atmospheric phenomena</b> Baratov J.Sh .....	437
71	<b>Talabalar bilan vokal ijrochiligi fanini olib borish jarayonida vokal mashqlarining tutgan oʻrni</b> Omonov X.S .....	442
72	<b>Umumiy oʻrta taʼlim maktablarida fizikadan masalalar yechishning pedagogik-psixologik asoslari</b> Buzrukov T.O .....	447
73	<b>Taʼlim muassasalarida informatika fanini masofaviy taʼlimda oʻqitilishi</b> Egamov S.M, Xalikov A.T .....	452
74	<b>Improving financial education and financial literacy of youths</b> Saidova F.B .....	456
75	<b>Пировард мақсад: жамиятимизда юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш</b> Гаппаров Б.Н .....	461
76	<b>Использование информационных технологий в процессе обучения</b> Халилова Х.Х .....	467
77	<b>Методологические основы педагогической науки</b> Исанов А.П .....	472
78	<b>Texnologiya fani orqali boshlangʻich sinf oʻquvchilarini kasb hunarga oʻrgatish mazmuni</b> Joʻrayeva D .....	476
79	<b>3d va masofaviy oʻqitish texnologiyalaridan foydalangan holda talabalarda konstruktiv kompetensiyalarni rivojlantirish</b> Muxitdinov A.A .....	484
80	<b>Oliy taʼlim muassasalarida “Muhandendiklik grafikasi” fanida zamonaviy muammolar</b> Muxitdinov A.B .....	491
81	<b>Professional taʼlim tizimida modulli oʻqitish texnologiyasidan samarali foydalanish</b> Karimov B.Y .....	497